



Эй ўғлон, камбағал ҳам сенга ўхшаган инсон. Уни ҳам очлик ва чанқоқлик қийнайди, совуқ ва иссиқ унга ҳам озор беради. У сен муҳтож бўладиган ҳаёт воситаларида сенга ёрдам беради. Шунинг учун сен унга яхшилик қилмоғинг ва унга меҳрибонлик қилишинг возибди. Аллоҳ сенинг бу қилган эҳсонинг эвазига яхши мукофот билан тақдирлайди:

“Сизлар нимани эҳсон қилсангиз, Аллоҳ уни эвазига сизларни мукофот билан тақдирлайди.”

Қуйидаги ишлар фақирларга эҳсон қилиш жумласидандир:

1. Камбағалларнинг болаларига илм ва касб-хунар ўргатиш учун бепул мактаблар очиш.
2. Уларнинг касалларини даволаш учун шифохоналар очиш.
3. Етимлар, ожизлар, заифлар ва ногиронларга бошпана бериш учун мискинлар уйини очиш.
4. Уларга моллар, кийим-кечаклар ва таомлар садақа қилиш.
5. Уларнинг ишга қодирларига иш топишда кўмаклашиш. Токи у ўғрилик каби заарли ишларни қилишга мажбур бўлмасин.
6. Камбағални камбағаллиги учун камситма. Чунки камбағаллик уят эмас.

Биз аввало камбағал қариндошларимизга эҳсон қилишимиз чиройли бўлади. Чунки қариндошлар бизнинг яхшилигимизга бошқалардан кўра ҳақлироқдир.



### Ҳикоя

Бир бойнинг катта боғи бор бўлиб у ҳар йили камбағалларга бу боғнинг меваларидан бир қисмини садақа қилар эди. У ўлгунча шу одатида давом этди. Кейин ўғиллари оталаридан боғни мерос қилиб олгач, камбағалларга эҳсон қилишдаги оталарининг одатига зид иш қилишни хоҳладилар. Меваларни йиғиб олиш вақти келганида камбағаллар уларни кўрмаслик мақсадида меваларни териб олиш учун боғга тунда боришни мақсад қилдилар.

Лекин, Аллоҳ улар етиб боришиларидан олдин боғни ёқиб юбориш билан уларни жазолади. Кейин улар бир-бирларига мана бу ниятимизнинг ёмонлиги ва камбағалларни насибаларидан маҳрум қилмоқчи бўлганимиз учун бизга Аллоҳ тарафидан бўлган жазо деб яна аввалги оталарининг одатига қайтдилар.